

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Дехканова Н.С.

Тошкент давлат аграр университети

Аннотация: Мақолада озиқ-овқат саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари ёритилган. Озиқ-овқат саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича кўрсаткичлар тизими такомиллаштирилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат саноати, маҳсулот, самарадорлик, маҳсулот таннархи, ялпи даромад, соф даромад, сотув ҳажми, тушум.

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОИЗВОДСТВА ПРОДУКЦИИ В ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Дехканова Н.С.

Ташкентский государственный аграрный университет

Аннотация: В статье описаны пути повышения эффективности производства в пищевой промышленности. Усовершенствована система показателей эффективности производства продукции в пищевой промышленности.

Ключевые слова: пищевая промышленность, продукция, эффективность, себестоимость продукции, валовая прибыль, чистая прибыль, объем продаж, выручка.

WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF PRODUCTION PRODUCTION IN THE FOOD INDUSTRY

senior teacher Dekhkanova Nilufar Sagdullaevna

Tashkent State Agrarian University

Abstract: The article describes ways to increase production efficiency in the food industry. The system of indicators of production efficiency in the food industry has been improved.

Key words: food industry, processing, products, efficiency, gross profit, net profit, labor productivity, production cost, price, sales volume, revenue.

1. Кириш.

Рақамли иқтисодиёт шароитда озиқ-овқат саноати ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги тармоқни ислоҳ қилиш, товар ишлаб

чиқарувчиларнинг фаолият юритиш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижавийлигини англатади.

Ишлаб чиқаришнинг миқдорий мутлақ натижаси масаланинг фақат бир томони ҳисобланади, унинг иккинчи томони – бу харажатлар ва ресурслар, чунки ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай даражада ва барча шаклларда амалга оширилиши нафақат натижаларни, балки харажатларни ва шунга мос ҳолда ресурсларни ҳам кўзда тутаяди, чунки сабаб бўлмаса, оқибат ҳам бўлмайди. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг иқтисодий маъноси шундан иборатки, мазкур натижалар қандай нарх, қандай харажатлар ва ресурсларнинг қандай миқдори эвазига олинганини аниқлаш ҳамда иқтисодий фаолият натижалари ва унга кетган харажатлар ўртасидаги тавофутни тавсифлаши лозим. Ишлаб чиқариш самарадорлиги бир вақтнинг ўзида озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантиришни таъминловчи кўрсаткич, мезон, омил ва зарур шартлар сифатида чиқади.

Самарадорликни аниқлашнинг асосий белгиси сифатида мезонлар унинг мазмунини сифатга хос томонларини акс эттириши лозим. Мезон эса самарадорлик ўлчови сифатида тегишли миқдорнинг аниқланганлик хусусиятига эга бўлиши лозим.

Самарадорлик мезонларининг дастлабки тамойиллари ҳар хил маънода тушуниш, самарадорлик мезонининг маҳсулотини турлича талқин қилиш бу борадаги нуқтаи назарларнинг кўплиги билан шартланган.

Самарадорлик мезонини асослаш, кўпчилик олимлар мезоннинг маъносини тўғри тушунган ҳолда ҳодиса ва жараёнларнинг ажратиб турувчи белгиси, баҳолашнинг ўлчови деб ёндашган. Шу билан бирга кўпчилик иқтисодчилар томонидан ушбу дастлабки шартлар қўлланилмайди, самарадорлик мезонларининг мазмунини аниқлашда эса турлича ёндашувлар юзага келган.

Мезонлар билан кўрсаткичлар ўртасидаги қарама-қарши позициялар (бир томондан мазкур тушунчаларнинг бўлиниши, иккинчи томондан бир-бирига тенглаштирилиши), мезонларнинг миқдорий таркиби (ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кўп даражалилиги ва самарадорлик категориясининг кўп омилли эканлиги билан изоҳланадиган мезоннинг яғоналиги ёки кўплигини тан олиш) самарадорлик мезонларининг мазмуни бўйича ёндашувларнинг кўп бўлишини тақозо этади.

2. Тадқиқот методологияси.

Мақолани ёритишда умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, баҳолаш усулларида фойдаланилиб, маълумотлар формула ва расм тарзида акс эттирилди. Ушбу мақолада озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари тизимлаштирилган, шунингдек ҳорижий мамлакатлар билан қиёсий таҳлил қилинган.

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Самарадорликни аниқлашнинг муҳим вариантларидан бири самаранинг амалдаги массасини мавжуд ресурслар шароитида муайян бўғин томонидан унинг яратиладиган миқдорининг нормативи билан таққослашдан иборат. Самаранинг норматив ҳажми (агар у пировард маҳсулот бўйича аниқланса) шакли қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C_n = \sum(k_{pi} \times c_i); \quad k_{pi} = (n_i \times v) \quad (1)$$

бунда C_n – самаранинг меъёрий ҳажми;

k_{pi} – i -турдаги маҳсулотнинг меъёр бўйича натурал кўринишида ифодаланган ҳажми;

c_i – i -турдаги маҳсулотнинг амал қилиб турган нархи;

n_i – i -турдаги маҳсулотнинг норматив бўйича ресурсларни мажмуавий баҳолаш бирлигига тўғри келадиган пировард маҳсулот ҳажми;

v – ҳудудда амалда мавжуд бўлган ресурсларнинг мажмуавий баҳоси.

Самара ва ресурсларни таққослаган ҳолда баҳолашнинг бундай усулининг афзалликлари яққол кўриниб туради ва қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Самарани натурал шаклларда олинган мавжуд ресурслар билан таққослаган ҳолда ўлчаш имконияти. Бир турдаги пировард маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган хўжалик ичидаги бўғинлар ва корхоналар учун бу ғоят муҳим аҳамият касб этади, чунки ҳозирги замон нархларида улар фаолиятнинг самарадорлигини аниқроқ тавсифлаш имконини беради.

2. Самарани барча мавжуд ресурслар билан таққослаш имконияти.

3. Самарадорлик кўрсаткичлари мутлақ миқдорларда тасвирланган бўлиб, бу иқтисодиётнинг пировард натижаларига қўшилган ҳиссанинг нисбий кўрсаткичлар билан таққосланган ҳолдаги аниқроқ тавсифларини таъминлайди.

4. Пировард маҳсулот қийматида ифодаланган самара номукамал нархларга нисбатан унча сезгир эмас.

Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$C = \frac{C_d}{A \times \Phi_{ac} + \Phi_{ай} + M_c} \quad (2)$$

бунда C_d – соф даромад;

A – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик миқдорига келтириш коэффициентини;

Φ_{ac} – асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати;

$\Phi_{ай}$ – айланма ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати;

M_c – бир йил учун меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари кўринишида ифодаланган меҳнат сарфлари.

Худди шу формула бўйича соф ялпи, товар маҳсулоти бўйича ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ҳам ҳисоблаб чиқилади, бунда соф маҳсулот ҳажмининг сарфланган ресурслар миқдорига нисбати олинади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги умумлаштирувчи кўрсаткичлари билан бир қаторда алоҳида самарадорлик кўрсаткичларини ҳам аниқлаш ва батафсил ўрганиш муҳимдир.

Озиқ-овқат саноатига тегишли тармоқларда алоҳида ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳига қуйидагилар киритилади:

- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги: тармоқлар бўйича сарфланган 1 киши-соатга, битта ўртача йиллик ишловчига тўғри келадиган ялпи маҳсулот, ялпи ва соф даромадларнинг ҳажми;

- ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги, ялпи маҳсулот, ялпи даромад бўйича фонд қайтими кўрсаткичи; айланма фондларнинг айланиш коэффициенти; фойда суммасининг асосий ва айланма фондларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида ялпи маҳсулот, ялпи даромад, фойда меъёри кўрсаткичлари;

- жорий пул-моддий харажатлардан фойдаланиш самарадорлиги: таннархга киритиладиган бир сўмлик харажатга тўғри келадиган ялпи маҳсулот, ялпи ва соф даромаднинг чиқиши ва ялпи ҳамда товар маҳсулоти бўйича жорий рентабеллик даражаси;

- капитал қўйилмалардан фойдаланиш самарадорлиги, самарадорлик коэффициенти (соф даромаднинг капитал қўйилмалар суммасига нисбати), ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган келтирилган харажатларнинг энг кам миқдори ва капитал харажатларнинг қопланиши муддати (капитал қўйилмалар суммасининг бир йиллик тежаш суммасига ёки соф даромадга нисбати). Амалиётда умумий кўрсаткичларни ҳам, турли тармоқларга қўллаган ҳолда алоҳида ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳам аниқроқ ифодалаш зарур, яъни қўлланилаётган кўрсаткичлар тизими ҳар бир тармоқлар ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олиши лозим.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат саноати самарадорлигининг қуйидаги кўрсаткичлар тизимини таклиф этамиз (1-расм).

Технологик баҳолашда мавжуд техник талабларга риоя қилган ҳолда ишларни бажариш имкониятлари ўрганилади. Уларга ишлаш тезлиги, маҳсулотининг кўпайиши ҳамда улардан йўқотишлар, олинаётган маҳсулотнинг сифати кабилар киритилади.

Ижтимоий баҳолашда ишловчилар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароитини таъминлаш, зарарли моддалар ва микроорганизмларнинг миқдори,

қайта ишлаш технологиясини бошқаришнинг қулайлиги, профилактика ва таъмирлаш ишларининг ўтказилиши ҳисобга олинади.

Экологик баҳолашда двигателнинг атмосфера ва тупроққа канцероген моддаларни чиқариши, иш жойида газланиш даражаси, ҳаво ва сув ҳавзалари ҳамда тупроқнинг ифлосланиши, жумладан вентиляция ташланмалари билан ифлосланиши инобатга олинади. Экологик кўрсаткичлари: шовқин, электр магнит майдони, ёруғлик, вибрация, зарарли газлар, оғир металллар ва кабиларнинг атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш даражаларини ифодалайди.

Озиқ-овқат саноатида маҳсулотларни қайта ишлашни иқтисодий баҳолаш уларнинг ишлаб чиқаришининг пировард кўрсаткичларига, биринчи галда маҳсулот ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат сарфларини қисқартириш ва маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш ҳисобидан фойданинг ўсишига таъсири бўйича аниқланади.

Озиқ-овқат саноатида маҳсулот ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни жорий этиш эвазига инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсади ва натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига олиб келади. Шу боис иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига технологиянинг инновационлик даражаси кўрсаткичи таклиф этилди. Технологиянинг инновационлик даражаси ялпи фойда ўсишини харажатлар ўзгаришига нисбати билан тавсифланади.

$$I_d = \frac{\Delta ЯФ}{\Delta X} * 100 \quad (3)$$

бунда: I_d - технологияни инновационлик даражаси;

$\Delta ЯФ$ – ялпи фойда ўсиши;

ΔX – ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги тавофут.

4. Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқотларимизда ишлаб чиқариш самарадорлигинининг мезонлари, кўрсаткичлари ва омиллари озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида истеъмолчига етказиш имконини беради.

Шу жумладан, озиқ-овқат саноатида маҳсулотларни ишлаб чиқариш самарадорлигини объектив баҳолаш, маҳсулот нархи шаклланишига, технология доирасида моддий ва номоддий активлар таркибини холисона баҳолашга кўмаклашади, озиқ-овқат саноатида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга бўлган талабнинг ошишига таъсир кўрсатади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Кутузов Е.Г. (1984) О материальном выражении цели производства. – Вестник Московского университета, №2. – С. 28. (Kutuzov E.G. (1984) On the material expression of the goal of production. - Bulletin of Moscow University, No. 2. - P. 28)

Первухин А. и др. (1977) Методические вопросы определения эффективности общественного производства. – Плановое хозяйство, № 3. – С. 78. (Pervukhin A. et al. (1977) Methodological issues of determining the efficiency of social production. - Planned economy, No. 3. - P. 78)

Вайнштейн А.Л. (1970) Критерий оптимального развития социального хозяйства. – Вопросы экономики, №5. – С. 125. (Vainshtein A.L. (1970) Criterion for the optimal development of the social economy. - Economic Issues, No. 5. - P. 125)

Баянский Т.Е. (1982) Вопросы оценки эффективности общественного производства. – Алма-Ата, С. 13. (Bayansky T.E. (1982) Questions of assessing the efficiency of social production. - Alma-Ata, P. 13)